

Басрадаги туя жанги



12:59 / 04.12.2024 1633

(ҳижрий 36, милодий 656 йил)

Муовия ибн Абу Суфён Шомнинг волийси ўлароқ ҳазрати Алий розияллоҳу анҳуга байъат қилмади. У киши ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг ўчи олинишини талаб қилар эди. Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу эса вазият барқарор бўлмагани учун ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг ўчини олишни орқага сурган эдилар. Шундай қилиб, Шом вилояти ҳазрати Алий розияллоҳу анҳуга итоат қилмасликни маъқул кўрди ва Муовия розияллоҳу анҳу у ерда мустақил бўлиб олди.

Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Шомга бориб, тушунмовчиликни ўз ўрнида ҳал қилишга тайёргарлик кўриб турганларида кутилмаган бошқа хабар келиб қолди. Унда айтилишича, Зубайр ибн Аввом, Талҳа ибн Убайдуллоҳ ва Оиша онамиз розияллоҳу анҳум бошлиқ кўпчилик маккаликлар Басрага қараб кетишаётган эди.

Бу хабар ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни аввалгисидан ҳам қаттиқроқ ташвишга солди. У киши Шомни қўйиб, ушбу гуруҳга ҳақиқатни тушунтириш лозимлигини англаб етдилар ва улар томон юришга қарор қилдилар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Зубайр ибн Аввом, Талҳа ибн Убайдуллоҳ ва бир жамоа саҳобалар билан Маккадан Басрага бориб, ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳуни ўлдиришда иштирок этганларни қатл қилдирдилар.

Бошқа шаҳарларга ҳам худди шундай қилишлари ҳақида мактуб юбордилар. Шунда ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу Шомга юришни тўхтатиб, Басра томон юришга мажбур бўлдилар. Оиша онамизга ва у киши билан бўлганларга қилаётган ишларининг оқибати яхши бўлмаслигини баён қилиб одам юбордилар, шошилиш яхши эмаслигини айтдилар. Улар ҳазрати Алий розияллоҳу анҳунинг сўзидан қаноат ҳосил қилдилар ва сулҳ тузиш ниятида у кишининг лашкароғи томон юрдилар.

Сулҳ ҳақидаги хабарни эшитган фитначилар талвасага тушиб қолишди. Улар сулҳ тузилиши ўзларининг адолатли жазога тортилишларини яқинлаштиришини яхши билишарди.

Фитначиларнинг бошлиқлари зудлик билан тўпланишди. Уларнинг ичида Аштар Наҳаъий, Шурайҳ ибн Авфо, Солим ибн Саълаба, Фулом ибн Ҳайсам ва бошқалар бор эди. Албатта, яҳудий фитнабоши Абдуллоҳ ибн Сабаъ уларга бош-қош эди. Уларнинг ичида саҳобалардан бирор киши йўқлиги алоҳида диққатга сазовор эди. Бу фитнанинг табиатини ва қаердан, кимдан келиб чиққанини кўрсатарди.

Фитначилар нима қилиб бўлса ҳам тун қоронғисида орада уруш қўзғашга келишиб олишган эди. Тонг отмай туриб, ададлари икки минг атрофида бўлган фитначилар сулҳ тузиш орзусида ухлаб ётган кишилар устига бирдан ҳужум бошлашди.

Икки тараф жанг қилди. Алий розияллоҳу анҳу урушни тўхтатишнинг имконини тополмадилар. У кишини оғир юк босди.

Жанг жуда ҳам қизиқ кетди. Бу асосан Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳавдажлари юкланган туянинг атрофида бўлди. Шунинг учун бу жанг «Туя жанги» деган номни олди. Жангда Басра лашкари мағлуб бўлди. Алий розияллоҳу анҳу Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳурматларини жойига қўйиб, Маккага қайтариб юбордилар. Бу мусулмонларнинг биринчи марта иккига бўлиниб қилган жанглари эди.

Жангда мусулмонлардан жуда кўп одамлар вафот этди. Шундан сўнг Басрада ҳазрати Алий розияллоҳу анҳуга байъат қилинди.

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу Шом томонга юришни давом эттирдилар.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.